

**ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БҮЛМАГАН ТАДБИРКОР  
ИСТЕЙМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ  
ШАРТНОМАСИ**

2022 йил «12» январь

021200-сон

*Кунгирот. ш  
Т(Ш)ЭТК номи*

*Кунгирот тумани электр таъминоти корхонаси асосида фаолият юритувчи раҳбари  
(туман(шахар) электр таъмин отиш корхонасининг номи)*

Бахром Мамутов (кейинги ўринларда «Корхона»  
(туман (шахар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.Ш.)  
деб аталади) бир томондан устав асосида фаолият юритувчи Кунгирот МТБ  
раҳбари Р.Ишмуратов (кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб аталади),  
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)  
иккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар тұғрисида түздилар:

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, «Корхона» «Истеъмолчи»га электр энергиясини уланган тармок орқали етказиб берниш ва «Истеъмолчи» истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

**II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ**

2.1. Электр энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив \_\_\_\_\_ кВт.с. реактив \_\_\_\_\_ кВар.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги НДС билан умумий һархи 899 100 (Саккиз юз туксон туккиз минг бир юз) сумни тариф буйича 450 сүмни, тариф бўйича бир ставкали ташкил этади.  
*тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенгланаширилган, (кераклиси ёлизсан)*

2.3. «Истеъмолчи»га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. «Истеъмолчи» томонидан олинган электр энергиясининг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аникланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини хисобга олиш ускуналари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

**III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Электр энергияси учун хисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали, ўсиб борувчи ёки ахолига тенгланаширилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган «Истеъмолчи» (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари ўюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилдиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун хисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар:

ярим тифиз пайт – сутканинг ёруг вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича;

тиғиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6<sup>00</sup>дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта микдор соат 17<sup>00</sup>дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронги вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22<sup>00</sup>дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup>дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаючи коэффициентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухи бир ставкали истеъмолчиларга кўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табақалаштирилган тариф кўлланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф кўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация килишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Бир неча тариф гурухларига мансуб истеъмолчи билан хисоб-китоблар, ҳар бир тариф гурухига алоҳида ўрнатилган хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

«Истеъмолчи» томонидан алоҳида хисобга олиш приборлари ўрнатиш рад килинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилётган энг юқори тариф гурухи бўйича хисоб китоб килинади.

Ушбу шартнома бўйича «Истеъмолчи» ва «Корхона» орасидаги хисоб-китоб даври бир ой хисобланади.

3.4. «Истеъмолчи» хисоб-китоб даври тугагандан сўнг Электр таъминоти корхонаси ваколатли вакили билан биргаликда (мавжуд вазиятдан келиб чиқсан ҳолда) ёки унинг иштирокисиз хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича хисбот тузади.

«Истеъмолчи» «Корхона»га энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисботни ўз кўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг «25» санасигача тақдим этади.

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган «Истеъмолчи»лар бўйича электр энергия сарфи бўйича хисботда фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган электр энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, «Худудий электр тармоқлари» корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаради эълон қиласи.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳак тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тарикасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўшимчалар тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик ҳатоликлар, тарифларни нотўғри кўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегинсли тариф бўйича кВт/соатларда қайта хисоблаб чиқилади ва «Корхона» томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки кўшимчалар билан биргаликда хисобга олинади.

3.6. «Истеъмолчи»га электр энергияси етказиб бериш давлат корхоналари ва устав капиталидаги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга 100 фоиз, қолган юридик шахсларга 30 фоиз олдиндан ҳак тўлаш асосида амалга оширилади. Олдиндан ҳак тўланмаган ҳамда ойнинг охиригача якуний хисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. «Корхона» «Истеъмолчи»нинг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варагини тақдим этади.

«Истеъмолчи» турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьектга эга бўлса, хар бир тариф гурухи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этадилади.

«Корхона» томонидан маҳсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варагини шакллантирилади ҳамда истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон ракамли имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли «Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишини тақомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу шартномага З-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиши ҳажми «Истеъмолчи» билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган «Истеъмолчи» учун энергиянинг технологик сарфланиши ҳажми сутканинг тифиз, ярим тигиз ва туғи пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегинли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун кўшиб борилади. (6-,7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдиради).

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир кисми; истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушған электр энергиясининг умумий микдорига нисбатан худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси микдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолининг шартномавий микдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолининг ўртacha суткалик амалдаги микдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб килинади.

Бунда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибида Корхона томонидан ёзib олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб килинади. Қайта ҳисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги микдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини хар ойда ёзib олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини узни схемасини текшириб кўриши керак. «Истеъмолчи» томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида «Корхона»га белгиланган шакл бўйича ўз қўли-билин, факсимил электрон ёки пошта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат килади.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилиншининг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ) нинг жорий этилини муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига

мувофик, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзб олинади.

«Корхона» «Истеъмолчи»нинг шахсий хисоб-рақам ва хисобга олиш приборларининг холати хақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идораларо электрон хамкорлик килиш тизимиға реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада хисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, «Истеъмолчи»дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

«Истеъмолчи»нинг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноконуний фойдаланилган электр энергияси кайта хисоб-китоби ва пена бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблаглари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида хисобга олинмайди.

«Истеъмолчи» шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблаглар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

Хисоб-китоб оидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб хисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун «Истеъмолчи»га тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергияси маҳсус тартибида етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорида пена хисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.13. «Истеъмолчи» ва «Корхона» ҳар ойда хисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро хисоб-китобларнинг таккослаш далолатномасини тузади.

3.14. «Истеъмолчи»ни қўйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

хисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганилиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

хисобга олиш приборларини қасдан бузгандан, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлишига ташқаридан аралашиб ҳатти-харакатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноконуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноконуний уланиш, талон-тарож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа холатлари аниқланганда.

3.15. Хисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта хисоб-китоб, «Истеъмолчи»ни қонун хужжатларида белгиланган тартибида электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. «Истеъмолчи» томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий хисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭҲНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. «Истеъмолчи» электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алохида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинидиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига кўшишга рухсат этилмайди.

3.18. «Истеъмолчи» томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов тарифлари қўйидаги ҳоларда аҳоли учун белгиланган тарифларга tengлаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» ги ЎРҚ 327-сон Қонунинг 28-моддасига асоссан Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш,

хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси ҳакини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси худудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуидаги ҳуқукларга эга:

«Истеъмолчи»нинг электр қурилмаларини «Корхона» электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб берининг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

«Корхона»га истеъмол киладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлик ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган элекстр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани конун хужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор килиш;

Шартнома бекор килгандан фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун тўланган маблагни қайтарилишини талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансадор шахсга) мурожаат қилиш.

«Истеъмолчи» конун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқукларга ҳам эга.

4.2. «Истеъмолчи» қуидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, «Корхона»га электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериши;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбиrlарини амалга ошириш;

«Ўзэнергоинспекция» конуни кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

«Корхона» вакилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рұксат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин электр энергиясининг зарур миқдори учун «Корхона»га буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурӣ биноларни ёритиш; иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган кувваттага уланган «Истеъмолчи», «Корхона» талабига асосан аниқлаш ва хабар бернишга мажбур:

истеъмол килинаётган кувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

энергетика тизимининг энг кўй ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва кувватнинг ҳар суткалик сарфи;

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергияси (куват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

«Истеъмолчи» қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга. маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жихатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиш - умумий ишлаб чиқариш ва технологик; якка тартибдаги ва гурух бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришини ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гурухлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришининг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз хажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни хисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежашни бўйича (йиллик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

#### 4.3. «Корхона» қуйидаги хукукларга эга:

«Истеъмолчи»дан шартномада Сенгиланган ўз мажбуриятларини лозим даражасида бажаришни талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда «Истеъмолчи» томонидан етказилган амалдаги заарни белгиланган тартибда коплатиш;

авария режимида «Истеъмолчи»ни электр тармоғидан узиб кўйиш;

ЭҲНАТга уланган ёки электр энергиясига олдиндан ҳақ тўлаш курилмасига эга хисобга олиш прибори бўлгани истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

«Корхона» қонунчиликка мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга.

Мазкур шартномага асосан «Истеъмолчи»ни электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун «Корхона» жавобгар бўлмайди.

#### 4.4. «Корхона» қуйидагиларти мажбур:

«Истеъмолчи»га электр энергиясиги электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлинини чегарасинча шартномада кўрсатилган хажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатилиш линияларини, хисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатилиш ва таъмирланиш, шунингдек, ўз электр хўжалиги обьектларидаги носозликларни бартараф килиш;

электр хўжалиги обьектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги кутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

«Истеъмолчи»ни электр энергиясини отказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор килиш;

киритилаётган чекланилар тўғрисида, чекланиларни хажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ отказиб берилмаганини ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги «Истеъмолчи»ни аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқини, бартараф этиш ва батрафсил жавоб юбориш;

«Истеъмолчи»га ўрнатилши тартиблар отказиб берилган энергия хисобини юритиш;

«Истеъмолчи»нинг белгиланган тартибда киритилган таклифлариға мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгаришилар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий микдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳакида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар килиш;

«Истеъмолчи»да ўрнатилган хисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчиликка мувофик бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган холларда, «Корхона» бунинг натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. «Корхона» «Истеъмолчи» олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

«Истеъмолчи» электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки кувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл кўйганда, «Корхона» томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик кайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлик ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун «Истеъмолчи» олдида моддий жавобгар бўлмайди;

«Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари корханаси» АЖ ва «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ томонидан шартномада кўрсатилган микдордаги электр энергияси етказиб берилмаган тақдирда, «Корхона» «Истеъмолчи»га етказиб берилмай қолған электр энергияи учун моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. «Корхона» «Истеъмолчи»ни қарздорлиги ёки бошқа асосли сабабларга кўра электр энергиясидан узилганда ёки ёнгига бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фавқулотда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажкор) «Истеъмолчи» олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишининг иложи бўлмагандан, улар қонунчиликда белгилантан тартибида ҳал қилинади.

## VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 2022 йил 31 декабрьгача бўлган муддатга тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган хисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сакланадиган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажрајмас қисми хисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккичи томонни бекор қилиш муддатидан ўтиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро хисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгаришиш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

6.5. мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – хукукий хужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

**VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**  
**ИСТЕММОЛЧИ:**

Юридик манзили Кунграгд МТБ (МБ)

Хисобраками: 23402000300100001010

Банк коди (МФО) 0014 STIR (ИНН) 201122919

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истеъмолчилар учун:

Бюджет фондининг хисобраками 100022860352157098602251003

Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 207266798

Бюджетдан ташқари фонднинг хисобраками

Банк коди (МФО) STIR (ИНН)

КҚС тўловчининг коди

Телефонлар: 312 04 64 Факс: e-mail:

(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уали, факс телефонлари коди электрон манзил ёзилади)

Кадастр рақами

**Статистик кодлар:**

IFUT (ОКЭД)

DBIBT (СООГУ)

MNOBT (COATO)

(КФС)

TSHK (КОПФ)

**КОРХОНА:**

Почта манзили Конгрот Мойнак гузори

Хисобраками 22636000600314531484

Банк коди (МФО) 00868 STIR (ИНН) 200357207

КҚС тўловчининг коди

Телефонлар: 61312-20-45 95605-01-33 Факс:

**Статистик кодлар:**

DBIBT (СООГУ)

MNOBT (COATO)

Истеъмолчи:



M. Ў., имзо, лавозими, Ф.И.Ш.

Корхона:



M. Ў., имзо, лавозими, Ф.И.Ш.

**ЮРИСТКОНСУЛЬТ ХУЛОСАСИ:**

Мазкур электр энергиядан фойдаланиш шартномаси юристконсульт

Ф.И.Ш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли карори талабларига мувоффик тузилган, Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиши учун Ўзбекистон Республикасининг конуичилик талаблари монийлик кильмайди. Шартнома иштирокчиларининг хукуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномасий хукукий базаси тўғрисида»ги конуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чикиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида конуни келишилган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низоларни ҳал килиш тартиби белгиланган.

Юристконсульт: \_\_\_\_\_  
(имзои)

Электр таъминотининг шартномасига  
1- илова

Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гурухи \_\_\_\_\_
2. Фаолият тури \_\_\_\_\_
3. «Истемолчи» электр курилмаларининг уланган қуввати: \_\_\_\_\_ кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват \_\_\_\_\_ кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) \_\_\_\_\_
6. Хисоб-китоб тури: \_\_\_\_\_

тариф тури: табакалоитиринган, бир стакани ёки ихфлига тонглаштирилган (кораклиси сэйлени)

Даир	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича			
		I	II	III	IV
Йил, жами:	1998				
Январь	• 666				
Февраль	• 666				
Март	• 666				
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Ташкилот кунига фойдаланади \_\_\_\_\_ соат, ойга \_\_\_\_\_ кун

Умумий юклимага нисбатан сменалар бўйича юкланиши % хисобида I \_\_, II \_\_, III \_\_

Истемолчи



Электр таъминотининг шартномасига  
2 - илова

**Энергияни хисобга олиш приборлари ўринатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари**

«Истемолчи»нинг (субистемолчининг) хисобга олиш прибори ўринатилган жойлар, тури ва кучланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган холда	Хисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи)	Хисобга олиш прибори раками	Хисобга олиш прибори клемма коткодаги корхона пломбасиниш раками	Ўлчов трансформатор- ларининг трансформация коэффициенти		Хисоб-китоб коэффициенти	Хисобга олиш приборининг шартнома тузилган кундаги кўрсаткичлар и хисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сўм/ 1 кВт.с.
				Ток	Кучла- ниш			

Имзолар:

Истемолчи:



М.Ў. (Имзо)

Корхона:



М.Ў. (Имзо)

Электр таъминотининг шартномасига  
З - илова

**Томонлар электр тармоқларининг баланс үнсанублиги  
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси  
ДАЛОЛАТИОМАСИ**

*Изоҳ: Хар бир электр энергияси ҳисобга олиши прибори учун алоҳида З ва 4-иловалар тузилади*

Ҳисобга олиши прибори давлат рақами \_\_\_\_\_ ток трансформатори \_\_\_\_\_ кучланиши  
трансформатори \_\_\_\_\_ жами кофициент \_\_\_\_\_ уланган күесати \_\_\_\_\_ кВт  
Ҳисобга олиши прибори ўринатилган манзил \_\_\_\_\_

1. Тариф гурухи \_\_\_\_\_ Фаолият турни \_\_\_\_\_  
Труба ишл.чиз.Шлакоблок.Гишт.Плёнка ишл.чиз.Акфа цехи.Насос.Савдо.Кафе..Онхона.Устахона ва...???

1. «Истеммолчи»нинг балансидаги кўйидаги электр курилмалар мавжуд:  
а) хаво электр тармоғи \_\_\_\_\_

б) кабель электр тармоғи \_\_\_\_\_

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП рақами \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ кВА

2. «Истеммолчи» ва «Корхона» ўртасидаги электр тармоқларининг баланс бўйича  
мансублик чегараси \_\_\_\_\_

3. Улардан кўйидагиларга:

а) \_\_\_\_\_ хизмат кўрсатни «Истеммолчи» ходимлари томонидан,  
б) \_\_\_\_\_

«Истеммолчи» билан тузилган «Техник хизмат кўрсатни» №021200санада 12.12.2022й.  
шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат  
кўрсатилади. «Техник хизмат кўрсатни» шартномаси тузмаса \_\_\_\_\_  
томонидан хизмат кўрсатилмайди.

4. Электр курилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатни бўйича жавобгарлик  
чегараси кўйидагича белгиланди: \_\_\_\_\_

Валидлар:

Истеммолчи



(имз.)

М.ў.

QON'IRAT  
RAYONIYQ

DK

QO'NG'IROT  
TIZMASI

Корхона

(Ф.И.Ш.)

Электр таъминотининг шартномасига  
4 - илова

### Энергияни йўқолишиларини аниқлаш бўйича ДАЛОЛАТНОМА

Энергия хисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси хисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган кисми хисоблаш йўли билан аниқланади ва куйидагиларга хисобланади:

а) Куввати \_\_\_\_\_ кВА бўйган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишилари \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_ %, реактив энергия йўқолишилари \_\_\_\_\_ кВАр.соат ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

б) Истемолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотини:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;  
Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;

Русуми \_\_\_\_\_ ;  
Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

в) Истемолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишилари:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;  
Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;

Русуми \_\_\_\_\_ ;  
Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади.

Энергияни ҳар ойда жами йўқотишлар хайми хисоб давридаги энергия сарфининг \_\_\_\_\_ фоизини ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юкорида кўрсатилган энергия йўқолишилари Истемолчининг ҳар хисоб-китоб даври учун, хисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истемолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия микдорларидан келиб чиқиб аниқланади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйларининг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мунк хисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган машиий истемолчиларнинг электр энергиясини хисобга олиш ускуналаригача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари хисоб-китоб килиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари истемолига каратилади.

Имзолар:

Истемолчи:  
  
М.Ў. (Имзо)

Корхона:  
  
М.Ў. (Имзо)

Электр таъминотининг шартномасига  
6 - илова

### Компенсация курилмаларининг ишланган режими

#### 1. Компенсация курилмаларининг белгиланган куввати

Т/р №	Компенсация курилмаларининг турлари	Куввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечкурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юкори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошкариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори,				
1.2.	Кўлда бошкариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив куввати, кВар (СДнинг ўрнатилиган кувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16.+3б.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори.	"			

ИЗОҲ: авторегисимда шилайдисан конденсатор курилмалари билан жиҳозланган ташкилотлар уланиш вақтларини тўлдирини шарт эмас.

Электр таъминотининг шартномасига  
7 - илова

Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТИНОМА

Истъмолчининг

иштирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узок муддатли ёки қиска муддатли кувват танқислиги юзага келганда Истъмолчи куйидагиларни бажарини керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириши:

T/p №	Технологик бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар куввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот шилаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнгин, заҳарланishi ва бошқа баҳтесиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чекнаш босқичлари:

I босқич \_\_\_\_\_ кВт

II босқич \_\_\_\_\_ кВт

III босқич \_\_\_\_\_ кВт

IV босқич \_\_\_\_\_ кВт

2. \_\_\_\_\_ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб кийилади.

T/p №	Авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар куввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари шининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолинига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёритгичлари юкланиши остида қолдирилади.

б) Ёнгинга қарши захира насослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар авария бронига кирмайди (ушибу агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан Корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

Имзолар:

Истъмолчи:



М.ў. (Имзо)

Корхона:



(Имзо)

## 2. Реактив энергияннинг иктисодий микдори

Йил, ой	Реактив энергияннинг иктисодий микдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гурухлари бўйича		
		I	II	IV
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергияннинг ҳар бир хисобот лаври учун иктисодий киймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўринатилган тартибда аниқланадиган кувват коэффициентининг оптимал микдори хисобга олинниб, ушбу царур учун актив энергияннинг шартномадаги микдоридан келиб чиқсан холда аниқланади.

Хисобот даврининг якунин бўйича реактив энергия иктисодий кийматининг амалдаги микдори истеъмол килинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиқсан холда аниқланади.

Тарифга устама кўшилган киймат солиги хисобга олинмаган холда фаол энергияннинг амаллаған тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иктисодий киймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол килинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиқсан холда аниқланади;

10 % - реактив энергиядан иктисодий киймат микдоридан ортик фойдаланилганда, бу амалда истеъмол килинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиқсан холда аниқланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жерима санкцияси хисобланмайди на электр таъминоти шартномасига яоссан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарила тўлдирилмалиги хисобига кувват коэффициентининг норматив киймати Истеъмолчи томонидан кўллаб-кувнатланмаслиги аниқлантила, худудий электр тармоғлари корхонаси томонидан конун хужжатлерида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши кийматининг техник-иктисодий хисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, кувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан наслайтирилганлиги учун Истеъмолчинлардай кўнимча маблаглар ундиришади.

Буила хисоб-китоблар из кўнимча маблагни ундириш хисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатишнинса ишбати Истеъмолчи томонидан кувват коэффициентининг амалдаги кийматни наслайтиришга бул кўйилганинг тўғрисида «Ўзэнергонспекция»нинг тасдиқлови бўлганди амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъмолчи ягода электр тизими тармогига электр тармогининг катта юкламили созларидан реактив энергия хосил килганди ва электр тармогининг кичик юкламили созларидан энергия тизими тармогига реактив энергия истеъмол килинганда, агар Истеъмолчининг буидей режимидан ишлган зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, таксим этилади.

Чегирма кўшилган киймат солиги хисобга олинмаган холда актив энергия учун ималдиги тарифининг 15% микдорида белгилайлади.

Истеъмолчи:



М.У. (Имзо)

Корхона:



(Имзо)

**QÓNĞIROT TUMANI YURIDIK XIZMAT KÓRSATISH MARKAZINING  
YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TÓĞRISIDAGI HUQUQIY XULOSASI**

**1.Loyihaning turi:** Shartnoma

**2.Loyihaning nomi:** Elektr taminoti shartnomasi

Qónğırot tumani elektr taminoti korxonasi asosida faoliyat yurituvchi rahbari Baxrom Mamuov va istemolchi Qónğırot tumani Maktabgacha talim bólimi ortasida ushbu elektr taminoti shartnomasiga muvofiq, «Korxona» «Istemolchi»ga elektr energiyasini ulangan tarmoq orqali yetkazib berish va «Istemolchi» istemol qilingan energiya uchun óz vaqtida haq tólash majburiyatini oladi

Etkazib beriladigan energiyaning shartnoma tuzilgan kunidagi QQS bilan umumiylar narxi 899 100 (Sakkiz yuz töqson töqqiz ming bir yuz) sóm 00 tiyinni tashkil qiladi.

**3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:** Qónğırot tumani Maktabgacha talim bólimi tomanidan 2022 yil 12 yanvar

Ushbu shartnoma loyihasi “Xójalik yurituvchi subyektlari faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi tóğrisida”gi qonunining 10,24-36 moddalari va Özbekiston Respublikasi ”Fuqarolik kodeksi”ning 386-424 moddalari talablariga javob beradi.

**Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq**

Markaz bosh yuriskonsulti

2022 yil «12» yanvar



R.Annarazov